

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

**Толлинг шартномалари асосида темир йўл транспортида  
ташилувчи юкларга маҳсус тариф ставкаларини ўрнатишнинг  
аҳамияти**

**Хайдаров Исматулла Асадуллаевич**

*Тошкент давлат транспорт университети*

*Таянч докторант*

*Тел. +998903467745*

*haydarovismat271@gmail.com*

**АННОТАЦИЯ:** Мақолада темир йўл транспортида юк ташии тариф сиёсатида маҳсус тариф ставкаларини ўрнатиши ва амалда жорий қилиши ҳисобига Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналарига толлинг шартномаларини жалб қилиш имконияти мавжудлиги таъкидланган, маҳсус тариф ставкаларини тақдим этиши натижасида трансафгон коридорларида бугдой унини ташии ҳажми ошиши кузатилган. Маҳсус тариф ставкаларини ўрнатиши механизмларини такомиллаштириши ўз навбатида Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини оширишига хизмат қиласи, деган хуносага келинди.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** юк ташии тарифлари, тариф сиёсати, маҳсус тариф ставкалар, толлинг шартномаси, тариф чегирмалари.

Ўзбекистон темир йўллари иштирок этган трансафғон коридорларини ривожлантириш йўлларидан бири—бу юртимизда юкларга қўшимча хизматлар кўрсатиш ва қайта ишлаш ҳисобланади. Шу мақсадда толлинг шартлари остида тузиладиган халқаро олди-сотди шартномаларини имкон қадар кўпайтириш лозим. Толлинг шартномаларининг моҳияти шундаки, чет эл давлатидан Ўзбекистонга, бирор саноат корхонасига юк қайта ишлашга келади, тайёр бўлган юкни эгаси Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига, шу жумладан Афғонистон Республикасига экспорт

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

қилади. Толлинг шартномаси корхоналарни тўла қувват билан ишлашини таъминлайди, давлат бюджетига қўшимча маблағ келтиради, иш билан таъминлаш йўлга қўйилади, давлатимиздаги логистик компаниялар учун қўшимча иш ҳажмини таъминлайди ва энг муҳими трансафтон коридорларини жонланишига ва ривожланишига, унинг жозибадорлигини ошишига олиб келади.

Ўрганиш обьекти сифатида Қозоғистон буғдойини Янгиерга келтириб, сўнгра уни тегирмонларда янчиб, тайёр бўлган буғдой унини Афғонистонга экспорт қилишни оламиз.

1. Маршрут ст. Сариагач—Янгиер,

УЗБ худуди 5,76 \$ /тн ( ЭИЗ учун **0,7 чегирмани** ҳисобга олганда)

УЗБ худуди 8,22 \$/тн (ЭИЗ учун **0,7 чегирмани** ҳисобга олмаганда)

Тайёр бўлган унни Афғонистонга жўнатиш тарифини аниқлаймиз (10-01 Прейскуранти бўйича ҳисобланади):

1. Янгиер—Хайратон

Ўзбекистон худуди  $715,01:0,99=725$  долл /вагон

Йигимлар (вагонни узатиш+вагон ювиш)  $100+90=190$  долл /вагон

Афғонистон худуди  $10,1*68=686,8$  долл/вагон

---

Жами  $1601,8:68=23,56$  долл /тонна

Худди шу тартибда, Янгиер—Термез-порт йўналиши учун тарифларни аниқлаймиз:

2. Янгиер—Термез-порт-экс

УТИ  $715,01:0,99=725$  долл /вагон

Йигимлар (вагон ювиш)  $90=90$  долл/ вагон

---

Жами  $815:68=11,99$  долл/ тонна

## ***Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi***

Энди шу йўналишлар учун тарифларни МТТ (Халқаро Транзит Тарифлари) ставкаларида ҳисоблаймиз:

### **3. Маршрут ст. Янгиер, Ўзбекистон—Наибабад, Афғонистон**

Ўзбекистон (Янгиер—Ғалаба --эксп ), кейин Афғонистонга

27,33\*68=1856,44 долл/вагон

Вагон ювиш 90 долл/вагон

Вагонни кўприкдан Хайратонга ўтказиш 200 долл/вагон

---

Жами 2146,44:68=31,57 долл / тонна

### **4. Маршрут ст. Янгиер, УТИ—Термез-порт-экс, кейин ИРА,**

Ўзбекистон (Янгиер—Термез-порт-эксп ), кейин Афғонистонга

27,33\*68=1856,44 долл/вагон

Вагон ювиш 90 долл/вагон


Жами 1948,44:68=28,66 долл /тонна

Донли экинлар (буғдой, арпа, сули, жавдар) ни Ўзбекистон худудида саралаш, дорилаш, қоплатиш, унинг устига тегишли маркировкани қўйиш, сўнгра Афғонистонга жўнатиш ҳам катта талабга эга бўлмоқда. Толлинг контракт эгалари учун темир йўл транспорти бир қанча чегирмаларни бериб келмоқда. Донли экинларни қоплатиш қўлда бажариш ва маҳсус ускуналарда автоматлаштирилган тартибда амалга оширилмоқда. 1-расмда қўлда, 3-расмда автоматлаштирилган ҳолда қоплатиш акс эттирилган.

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*



1-расм. Кўл меҳнати билан Афғонистонга мўлжалланган толлингли сулини қоплатиш.



2-расм. 2023 йилда толлинг шартномаси асосида Афғонистонга жўнатилган ун миқдори, вагон.

2-расмдан кўриниб турибдики, 2023 йилнинг март, апрель ва май ойларида толлинг шартномалари остида Афғонистонга жўнатилган вагонлар

## *Ta'limming zamonaviy transformatsiyasi*

сони ўсиши кузатилган. Бунда апрель ойида ўтган ойга нисбатан 15.9 %га ошган бўлса, май ойида эса—салкам 2.2 мартаға ошиб кетган. Бунинг асосий сабаби ун бўйича толлинг шартномалари 2023 йил бошида кўп тузилган.



3-расм. Автоматлаштирилган усулда Афғонистонга мўлжалланган толлингли буғдойни қоплатиш

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖни Иқтисодий таҳлил ва прогнозлаш бошқармаси томонидан толлинг контракти остида ишлаб чиқарилган ун учун 2023 йилнинг 10 январидан бошлаб, Афғонистонга жўнатишга маҳсус ставкалар ўрнатди:

1. Келес, Чиноз, Бозсу, Сергели, Янгийўл бекатларидан—10.85 долл/тн
2. Аблиқдан—14.82 \$/тн, Какирдан—11,85\$/тн, Бекободдан—11,05\$/тн

Толлинг шартномалари остида юкларни аввал импорт режимида қабул қилиш, сўнгра тайёр маҳсулотга айлангач, маҳсус тариф ставкалари асосида

## ***Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi***

Афғонистонга жўнатиш Ўзбекистон темир йўллари иштирок этган трансафон коридорларини ривожлантиришнинг энг мақбул механизми ҳисобланиб, у орқали темир йўлда юк ташиш ҳажмини кескин ошириш имкони туғилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, тариф сиёсатида маҳсус тариф ставкаларининг жорий қилиниши бир томондан, давлатимиз ҳудудидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватидан тўлароқ фойдаланиш имконини берса, иккинчи томондан муқобил Туркманистон темир йўл коридорларига сезиларли даражада рақобат уйғота олади, учинчи томондан Ўзбекистонда кўшимча қиймат яратилиб, экспорт салоҳиятини янада оширишга замин яратилади.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Ш.Мирзиёевнинг 2023 йил 10 октябрдаги ПҚ-329-сонли “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори;
2. Ш.М.Мирзиёев 2024 йил 18 январда инвестиция, экспорт ва халқаро ҳамкорлик соҳаларида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши;
3. Babaxalov N.E., Gulamov A.A., Merganov A.M. “Tarifnaya politika AO “O’zbekiston temir yo’llari”: problemi I resheniya”. Monografiya. Ташкент : Фан ва технологиялар марказининг босмахонаси, 2017g.
4. Тариф Келишувига аъзо давлатларнинг 2024 фраҳт йили учун юк ташиш Тариф Сиёсати
5. Транспортная логистика. Учебное пособие. Под. ред. Л. Б. Миротина. М. Экзамен 2002г.
6. Г.Х. Назарова ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. Т.: ТДИУ, “Иқтисодиёт”, 2011.